

Куч – адолатда

2024 йил
1 март,
жума
№ 13-(995)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

● <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

АМУДАРЁНИНГ ИККИ СОҲИЛИДАГИ МИНГЛАБ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ УМИДЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚҚАН ТАРИХИЙ КУН

Президент Шавкат Мирзиёев 29 февраль куни иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳалар ва маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар билан танишиш, янги объект ва лойиҳаларни ишга тушириш учун Хоразм вилоятига ташириш буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманига бориб, янги кўприкнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Бу улкан иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга стратегик иншоотдир. Президентимиз бу ҳақдаги ташаббусни 2020 йил 13 декабрь куни Хоразм вилояти фаоллари билан учрашувда илгари сурган эди. Шундан сўнг пухта лойиҳа ишлаб чиқилиб, катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари унинг қурилишини икки бор келиб кўрди.

29 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти фаоллари иштирокида янги кўприкнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Президент дастлаб поездда ва автомобилда юриб, кўприк сифатини кўздан кечирди. Жамоатчилик иштирокидаги йиғилишда бу лойиҳанинг самарадорлиги, аҳоли ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлади.

Оролбўйи минтақасини, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш, аввало, экологик инкироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиятда яшаётган аҳолимизга қулай шароитлар яратиш мамлакатимиз тараққиёт стратегиясининг бош мақсадларидан биридир. Илгари ҳам айтганимдек, Қорақалпоғистоннинг тақдири – бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги – бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлигидир. Бугун мана шу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида яна бир улкан қадам қўймоқдамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Кўприк қурилган жой юртимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири. Шу пайтгача одамлар ўтган асрнинг элгинчи йилларида олиб келинган эски понтон кўприкдан фойдаланиб келар эди. Ҳар баҳорда сув эриб, дарёда сув кўпайиши билан у жиддий шикастланарди. Бу дарёнинг икки томонидаги аҳолига жуда кўп қийинчиликлар туғдирарди.

Масалан, Амударё тумани аҳолиси автомобилда Нукусга бориш учун Урганч ва Беруний орқали юришга мажбур эди. Бунинг учун қўшимча 180

километр йўл юришга тўғри келарди. Поездда эса Хоразмнинг шарқ томонидаги Хазорасп кўпригидан ўтиб келинарди.

Янги кўприк туфайли бу қийинчиликлар барҳам топади, халқнинг узоғи яқин бўлади. У орқали Қорақалпоғистон билан Хоразмни боғлайдиган энг яқин автомобиль ва темир йўл қатнови йўлга қўйилади.

Кўприкнинг узунлиги 423 метр. У билан бирга Шовот – Қораўзак бекатларини боғлайдиган 85 километрлик темир йўл ҳамда 3 та вокзал ҳам барпо этилди.

Бу иншоот самарасида йўлнинг ўтказиш қобилияти 4 баробарга ошиб, бир кеча-кундузда 12 минг автомобиль ҳаракатланади. Натижада 48 минг йўловчининг 2 соат вақти тежалди ва дарёдан хавфсиз ўтиши таъминланади.

Кўприк икки тарафга қараб 24 жуфт поездни ўтказиш имкониятига эга бўлиб, бу орқали темир йўл масофаси 180 километрга, юк ташиш тезлиги эса 6 соатгача қисқаради. Бу эса маҳаллий юкларни ташиш ҳажмининг йўлга 2 баробарга ошириш, ташиш таннархини 2 баробарга камайтириш имконини беради. Ушбу темир йўл орқали Қозоғистон ва Россияга ҳам янги йўналишлар очилади.

Шунингдек, Қораўзак қонларидан тош энди поездларда ташилиши ҳисобига Оролбўйи минтақасидаги 4 миллион аҳоли ва туристларга хизмат кўрсатувчи автомобиль йўллари сифатли сақланади. Бундан ҳам аҳоли, ҳам тадбиркор ва туристлар катта манфаат топади.

– Биз биргаликда бунёд этган бу мухташам кўприк шунчаки навбатдаги инфратузилма иншооти эмас. Бу кўприк, аввало, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги мустаҳкам ишонч ва дўстлик, оғзибирлик ва ҳамкорлик кўпригидир. Бу йўл жаҳонга очилаётган Янги Ўзбекистон, Янги Қорақалпоғистоннинг тараққиёт ва фаровонлик йўлларидир. Мана шу азим дарёнинг икки соҳилида, шундай ёруғ кўнларни орзу қилиб яшаб келаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг умидлари рўёбга чиққан тарихий кун барчамизга муборак бўлсин, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари оғир иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилган моҳир қурувчиларга, лойиҳачи ва муҳандисларга, кўприкни барпо этишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик билдирди.

Аҳолига қулайлик яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Хусусан, бу йил Бухоро – Урганч – Хива, келгуси йилдан Мискин – Нукус темир йўли электрлаштирилади. Натижада Хива ҳамда Нукус шаҳарларига тезкор поездлар қатнови йўлга қўйилади. Ушбу ҳудудлардаги аҳолининг мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига бориб-келиши осонлашади. Бу лойиҳалар ҳисобидан транспорт харажатлари 2 баробар қисқариб, йўловчи ташиш 30 фоизга ошади.

Умуман, бундай йирик лойиҳалар Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг иқтисодий салоҳияти ошиши, инвестициялар оқими ва иш ўринлари кўпайиши, аҳоли даромадлари ўсишига хизмат қилади.

Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимиз ҳаётидаги ушбу тарихий бир воқеа муносабати билан барчани табриклаб, Оролбўйи ривожига эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Хива кластер” масъулияти чекланган жамиятининг тўқимачилик корхонаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшилган қиймат яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, агросаноатда кластерлар томонидан замонавий корхоналар қурилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

“Хива кластер” ҳам Хива туманида шундай фабрика ташкил этди. Туркия, Германия ва Хитойдан илғор ускуналар келтириб ўрнатилди. Ўтган йил ноябрда ишга туширилган корхонада 500 кишининг бандлиги таъминланди.

Корхона йилига 7 минг тонна ип-калава, 4 минг тонна трикотаж мато, 10 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг муҳими, уларнинг сифати халқаро стандартларга жавоб беради. Шу боис ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўлиқ экспортга йўналтирилади. Корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти 15 миллион доллар атрофида.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди, тикувчи хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

Иқтисодий тармоқларидаги бугунги тенденциядан келиб чиқиб, бу корхонада ҳам энергия тежамкор-

ликка эътибор қаратилган. Масалан, куз-қиш ойларида хоналар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқ сув ёрдамида иситилади. Натижада катта миқдордаги табиий газ тежалди. Шунингдек, мажмуа томларига умумий қуввати 60 кВт бўлган қуёш панеллари ҳам ўрнатилган. Буларнинг ҳисобига маҳсулот таннархи рақобатчиликка нисбатан паст бўлмоқда.

Корхонада хорижий ҳамкорлар талабига асосан сифат назорати, касб ўргатиш маркази ташкил этилган. Чиқиндиларни қайта ишлаб, фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган.

Тўқимачилик кластери ўтган йили қарийб 20 минг тонна пахта хомашёси етиштирган. Шундан 1 минг 545 гектарда томчилаб суғориш йўлга қўйилган.

Умуман, кластер томонидан 2018-2023 йилларда 105 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, йиллик 50 миллион долларлик экспорт қуввати яратилган. Кластер тизимида жами 800 дан ортиқ йигит-қиз ишламоқда. Жумладан, ҳозирда бошқа корхоналар билан ҳамкорликда ёғ, совун, тухум, сут маҳсулотлари, пой-абзаллар каби 20 га яқин товарлар ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз мазкур кластер тизимидаги истиқболли режалар билан ҳам танишди. Жумладан, янги лойиҳалар ҳисобига пахта етиштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, қўшилган қийматли маҳсулотлар олиш, кичик ҳажмли юк машинларини маҳаллийлаштириш мўлжалланган. Шунингдек, яқин йилларда чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш режалаштирилган.

Кластер бу истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш орқали 10 мингдан 30 минггача иш ўрни яратишни мақсад қилиб олган.

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятида амалга оширилиши режалаштирилаётган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан ҳам танишди.

Вилоятда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда машинасозлик, шаҳарсозлик, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, тиббиёт, озиқ-овқат каби муҳим тармоқларда умумий қиймати 1,5 миллиард долларлик ўнлаб лойиҳалар ишлаб чиқилган. Тақдимотда шундан умумий қиймати 660 миллион доллардан зиёд 18 та лойиҳа ҳақида ахборот берилди.

(Давоми 2-бетда) ►

● Бугун баҳорнинг биринчи кун



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Сен баҳорни соғинмадингми?

**Уйғонувчи боғларни кездим,
Топаё дедим қирдан изингни.
Ёноғиндан ранг олган дедим –
Лолаларга бурдим юзминни,
Учратмадим аммо ўзингни,
– Сен баҳорни соғинмадингми?**

**Узоқларда зарворли тоғлар,
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,
– Сен баҳорни соғинмадингми?**

**Ўнгирилда сакрайди оху,
Наъматакда саъва миттижон.
Қорликлардан сипқорилган сув,
Дараларда уради жавлон.
Нигоҳимдан фақат сен пинҳон,
– Сен баҳорни соғинмадингми?**

**Мана, бугун Наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севгили эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,
– Сен баҳорни соғинмадингми?**



Қонун кўмаги

Рад этилган даъво ёхуд мулк ҳуқуқи дахлсизлиги таъминланди

Халқимиз “Айтилган сўз — отилган ўқ” деб бежизга айтмаган. Бу ҳикмат замирида инсоннинг лафзи, ваъдага вафоси улғу фазилат экани ўз ифодасини топган. Аммо Урганч шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари бу ҳикматга зид иш туттиди.

(Давоми 3-бетда) ►

Тарих тилсимлари

Нодир тарихий МАНБА



ёхуд “Зафарнома” асарининг илмий аҳамияти


Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатларининг XIV-XV аср бошларидаги тарихи машҳур муаррих Шарифиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида батафсил баён этилган. Асосан XV асрнинг биринчи ярмида фаолият юритган Шарифиддин Али Яздий тахминан XIV асрнинг охирида Эроннинг Язд шаҳрига қарши Тафт мавзесида туғилган.

(Давоми 4-бетда) ►

Жамиятимиз мақсади

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва одил судлов истиқболлари

Аввало шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда адолат ҳамда қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришга ҳисса қўшувчи муҳим янгиланиш ва ўзгаришлар амалга оширилди. Бу борада биргина 2017–2023 йилларда 60 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилингани ҳам бу фикрнинг яққол тасдиқлайди.



Шербек НАЗАРОВ,
Олий суд ҳузуридаги
Одил судлов соҳасидаги
қонунчиликни таҳлил
қилиш департаменти
бошлиғи ўринбосари

(Давоми 3-бетда) ►

Парламент фаолияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан қабул қилинди.



Қонунчиликдаги янгиликлар

БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғи, қадр-қимматини муҳофаза қилиш, унинг камситилишига йўл қўймаслик, ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Болаларни зўравонликнинг ҳар қандай шаклидан ҳимоя қилинишини таъминлаш, бу борадаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳасида болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, уларнинг ваколатлари аниқ белгиланмоқда. Унга мувофиқ болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш фа-

(Давоми 2-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар


◀(Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишда ота-оналарнинг иштироки ва уларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасида таълим ташкилотларида болаларга нисбатан зўравонликка йўл қўйилмаслиги, интизомий жазо чораси сифатида зўравонликнинг ҳар қандай шакли, шу жумладан, жисмоний жазо ва бошқа шафқатсиз хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ёки кадр-қимматни камситувчи муомалани қўллашга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланмоқда.

Зўравонлик хавфи остида бўлган болалар тоифалари аниқлаштирилиб, зўравонликдан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ҳамда уларни зўравонликдан ҳимоя қилишининг умумий ва яқка тартибдаги чора-тадбирлари белгиланмоқда.

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАРГА МУЛК ҲУҚУҚИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНМОҚДА



Янги қонун лойиҳасида ер участкаси ва унда қурилган иморатга бўлган ҳуқуқни, шунингдек, яқка тартибдаги уй-жой қурилган ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этиш тартиби белгиланмоқда.

Ҳуқуқи эътироф этилади. Бундан ташқари ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасининг ер фонди тоифасини ўзгартириш, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасини хусусийлаштириш тартиблари аниқлаштирилади.

ЭНДИ БИНО ВА ИНШОТЛАР ҚУРИЛИШИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИ МАВЖУДЛИГИ МАЖБУРИЙ БЎЛАДИ

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонун лойиҳасида аҳоли ва телекоммуникация соҳасида фаолият юритувчи субъектларга бир қатор қўлайликлар яратилмоқда.

Шунингдек, бино ва иншоотлар қурилишида замонавий телекоммуникация инфратузилмасини ўрнатиш мажбурий бўлади.

Бундан ташқари қонун лойиҳасининг кўпгина нормалари янги тахрирдаги Конституциямизга мослаштирилмоқда.



БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Ҳозирги пайтда баҳолаш фаолиятини тартибга соладиган амалдаги қонун ҳужжатларида айрим муаммолар мавжуд. Хусусан, суд экспертлари ва баҳоловчи ташкилотлар учун умумий баҳолаш қоидалари ҳамда тартибларининг белгиланмагани ушбу соҳани такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирмоқда.

иштирок этиши мумкинлигини назарда тутувчи ўзгариш киритиш белгиланган. Бундан ташқари “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунга баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларда кўрилган усулларнинг илмий асослангани бўйича суд экспертизасини ўтказиш учун эксперт уч йил иш стажига эга бўлиши зарурлиги ҳақидаги қўшимча киритилмоқда.

АМУДАРЁНИНГ ИККИ СОҲИЛИДАГИ МИНГЛАБ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ УМИДЛАРИ РЎЁБГА ЧИҚҚАН ТАРИХИЙ КУН

◀(Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, юк электромобиллари, аккумуляторлар учун никель сульфат, архитектура ойналари, шиша идишлар, қурилиш материаллари, лак-бўёқлар ва мато ишлаб чиқариш каби лойиҳалар ҳудуд иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшиб, минглаб иш ўринлари яратиши билан аҳамият-ли. Меҳмонхона, шифохона, кўнгул-очар масканлар ва йўллар қуриш, экотуризмни ва балячиликни ривож-лантиришга қаратилган лойиҳалар аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари уларнинг ташаббускорлари бўлган чет эллик инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида фикр алмашилиб, уларни жадаллаштириш, тадбиркорларга қўшимча шароит яратиш бўйича мута-садчиларга топшириқ берди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Хива туманидаги Истиклол маҳалласига борди.

Маҳаллада 3 минг 200 нафарга яқин аҳоли яшайди. Бу ерда 10 та ишлаб чиқариш корхонаси, 30 га яқин хизмат кўрсатиш шохобчаси, ёндош ҳудудда фермер хўжалиқлари мавжуд. Одамлар асосан тадбиркорлик ва деҳқончилик билан шугулланиди.

Яқинда маҳалла идораси бизнеси таъмирланиб, тўлиқ жиҳозланди. Худуддаги мактабга таълим ташкилотлари, мактаб ва тиббиёт масканида барча шароит бор.

Маҳалла фаоллари Президентимизга одамларнинг турмуш тарзи, даромади, ёшларнинг муваффақияти ҳақида сўзлаб берди. Маҳаллада ишсиз аҳолини доимий ва мавсумий ишларга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий дафтарларга киритилган фуқаролар билан индивидуал ишлаш тизими самара бермоқда. Ишсизларга деҳқончилик учун ер бериш тажрибасининг Хоразм учун аҳамияти катталиги айтилди.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги фармониغا мувофиқ, маҳалла институтининг жамиятимизда ва аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатидаги роли оширилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий хизмат ходимидан иборат “маҳалла еттичилиги” ташкил этилди.

Ушбу тизим вакиллари билан мулоқотда халқни рози қилишда маҳалла тизимидаги самарали фаолият, ҳамжихатлик муҳимлиги қайд этилди. Бунда қуйи бўлиндаги давлат вакиллари ўзларига берилган ваколатдан фойдаланиб, одамларни рози қилиши кераклиги таъкидланди.

Вилоятда ишсизликни камайтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш доимий вазифа экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларда бўлганида бирор хонадонда меҳмон бўлиши яхши аънаънага айланган. Бу одамлар билан янада яқин бўлиб, самимий суҳбатлашишга хизмат қилади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Президент маҳаллада яшовчи Собиржон

Матжонов хонадонига ташриф буюрди. Оила бошлиғи қишлоқ хўжалиги илмини яхши билади. Хонадон соҳиблари мўъжазгина томорқада иссиқхона қуриб, қулупнай етиштириди. Шунингдек, уй шароитида балиқчиликни йўлга қўйган. Парвариш қилинаётган парранда – юздан ортиқ товуқ, минга яқин бедана оилага қўшимча даромад келтирмоқда.

Суҳбатда аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, ёшларни меҳнатга ўргатиб, касб бериш муҳимлиги, бунинг учун давлат томонидан барча шарт-шароитлар яратилиши таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида “Voltaia” компанияси томонидан қуввати 100 мегаваттлик қуёш электр станцияси қурилишини бошлаш маросими бўлди.

Маълумки, давлатимиз томонидан қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, катта дастурлар амалга оширилмоқда. Охириги уч йилда худудларда биргина қуёш ва шамол генерация қувватларини ишга тушириш учун 2 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 2,6 гига-ватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол электр станцияси тармоққа уланди.

Яна бир муҳим жиҳати, бу лойиҳалар Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Франция каби тараққий этган мамлакатлар билан шерикликда амалга оширилаётган.

Маросимда давлатимиз раҳбари бу соҳанинг стратегик аҳамиятини қайд этди.

– Энергетика соҳаотида барқарорликка эришиш глобал интеграция шароитида ҳар бир давлатнинг стратегик мақсади. Айниқса, қайта тикланувчи генерациялар – замонавий тараққийга эришиш, иқтисодиётни диверсификация қилишда куч-қувват бўладиган асосий “драйвер”лардан биридир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Муқобил энергетика ҳисобига бу йил республиканинг электр генерациясида “яшил энергия” улуши 15 фоизга етиши таъкидланди. 2030 йилга бориб, аҳолиси 14 миллиондан ортадиган Янги Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур бўлган энергиянинг 40 фоизини “яшил энергия” ҳисобидан қоплаш мақсад қилинган.

Бу борада аҳоли манфаатдорлигини ошириш учун ўтган йили “Қуёшли хонадон” дастури бошланди. 14 миллиард сўм имтиёзли ресурслар ажратилди, солиқ имтиёзлари берилди. Шунингдек, эҳтиётжон ортиқча электр давлат томонидан кафолатли харид қилиш тизими йўлга қўйилди.

Бу ўз самарасини бера бошлади. Жумладан, Хоразмда ҳам 2 мингдан зиёд хонадон ва 855 та тадбиркорлар 15 мегаваттлик қуёш панелларини ўрнатиб, улар томонидан эҳтиётжондан кўп ишлаб чиқарилган 320 минг киловатт-соат электр энергияси давлат томонидан сотиб олинди.

Энди бу соҳада яна бир мажмуа – Франциянинг “Voltaia” компанияси томонидан Тупроққалъа туманида қуёш фотозлектр станцияси қурилиши бошланмоқда.

Бу Хоразмдаги илк шундай йирик лойиҳа бўлади. Унинг натижасида йилга 254 миллион киловатт-соат “яшил энергия” ишлаб чиқарилади. Бу эса Хоразм вилояти йиллик электр энергияси истеъмолнинг 11 фоизини қоплайди. Ушбу станцияни йил якунигача тармоққа улаш режалаштирилган.

Умуман бу лойиҳа ишга тушса, Хоразм вилоятида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари 30 фоизга ошиб, 424 мегаваттга етади. Хусусан, Тупроққалъа туманининг электрга бўлган йиллик 135 миллион киловатт-соат талаби тўлиқ қондирилади.

Шу билан бирга, истеъмолдан ортган 40 фоиз энергияни қўшни туманларга узатиш имконияти пайдо бўлади. Яъни, 85 минг хонадонни электр энергияси билан барқарор таъминлашга эришилади.

Энг муҳими, ушбу лойиҳа орқали 76 миллион метр куб табиий газ тежалани, атмосферага 106 минг тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

Яна бир эътиборли томони, мазкур лойиҳа доирасида илк бор агро-вольтайка тажрибаси қўлланади. Бу бир майдоннинг ўзида энергия ва қишлоқ хўжалигини бирлаштириш усули бўлиб, қуёш панеллари остида сабзавот ва полиз экинлари етиштирилади.

Давлатимиз раҳбари бундай инновацион лойиҳалар Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлашга хизмат қилишини таъкидлаб, инвестор ва муҳандисларга миннатдорлик билдирди.

– Барчангизни нафақат Хоразм вилояти, балки бутун мамлакатимиз иқтисодиётига янги руҳ ва нафас олиб кирадиган мана шундай янги қувватлар билан табриқлайман, – деди Президент.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи доирасида «Voltaia» компанияси бош директори Себастьян Клер билан учрашув ўтказди.

Франциянинг ушбу компанияси қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги иншоотларни қуришда бой тажрибага эга. Ҳозирда дунёнинг 20 мамлакатига умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Учрашувда ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги мунтазам учрашувлар туфайли кенг қамровли тус олган Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти 2022 йил ноябрь ойида Францияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасида ҳамкорлик юзасидан келишувларга эришилди.

Шу маънода, “Voltaia” билан ҳамкорликда Тупроққалъа туманида қуввати 100 мегаваттлик қуёш электр станциясини барпо этиш лойиҳаси доирасидаги ишлар бошланаётгани

алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Келгусида агро-вольтайка ечимларини жорий қилган ҳолда унинг имкониятларини янада кенгайтириш мумкинлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари компания билан ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, Хоразм вилоятида аккумуляторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва Бухоро вилоятида гибрид турдаги электр станциясини қуриш режаларини қўллаб-қувватлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳридаги “Khorezm Insulation Group” қўшма корхонасини бориб кўрди.

Мамлакатимизда бунёдкорлик қўлами кенг. Сўнги йилларда барча лойиҳаларда энергия тежамкорлик вазифаси қўйилмоқда. Шу боис базальт хомашёсига талаб ошиб бораётган. Тахлилларга кўра, мамлакатимизда бундай маҳсулотдан тайёрланган плиталарга йиллик талаб 80 минг тонна.

Шу жиҳатдан, “Khorezm Insulation Group” қўшма корхонаси бозор конъюнктураси асосида ташкил топди, дейиш мумкин. Қиймати 41 миллион евролик ушбу лойиҳада базальт хомашёсидан иссиқлик сақловчи плиталар ишлаб чиқарилади. Хомашё Қорақалпоғистон Республикасининг Қоратау тоғидан олиб келинади.

Корхонанинг йиллик қуввати 30 минг тонна бўлиб, қурилиш соҳасига талаб юқори маҳсулотлар етказиб берилади. Шунингдек, Россия ва қўшни давлатларга 10 миллион долларлик экспорт қилиш имконияти яратилади.

Бунинг учун Германия, Туркия, Россия ва Хитой давлатларидан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилмоқда. Корхонада 300 та янги иш ўрни очилди.

Президент корхона билан танишар экан, маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш, маҳаллийлаштириш даражасини оширишга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Айни пайтда бу ерда йилга 15 минг тонна полипропилен ва полиэтилен тола ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Натижада 80 та янги иш ўрни, яна 10 миллион долларлик экспорт қуввати яратилиши мўлжалланган.

Янги вилоятига ташрифининг биринчи кунини якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Энергетика вазирлиги, “Ўзкимёсаноат” АЖ ва йирик хорижий инвестиция компанияси раҳбарияти билан йиғилиш ўтказди.

Хоразм вилоятида умумий инвестиция ҳажми 10 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик газ-кимё лойиҳасини биргаликда амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Бўлажак қувватлар йилга 2,5 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариши ва 3 минг иш ўрни яратиши кутилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш муддати – 2024-2028 йиллар.

Лойиҳа газ-кимё тармоғи ривожига янги суръат бағишлайди ва Янги Ўзбекистон саноатининг флагманларидан бирига айланади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Иқром АВВАЛБОВЕВ, ЎЗА мухбири

Турмуш чорраҳаларида

ОИЛА — МУҚАДДАС

У муқаддам талончилик, безорилик ва икки марта ўғирлик жиноятини содир этгани боис тегишли жавобгарликка тортилган. Унга нисбатан охириги марта тайинланган озоликдан маҳрум қилиш жазоси аввалига ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган. Кейинчалик у бу жазодан ҳам шартли равишда муддатидан олдин озод этилган.

Аслида бундай енгиллик ва бағрикенглик унга ҳаётда тўри йўлни топиш, қилмишларидан оқилона хулоса чиқариб олиши учун берилган имконият эди. Аммо У.Ҳайитов табиатида чуқур сингил кетган иллат ва қусурлардан халос бўлиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Ақинча, яна жиний қилмиш-

га қўл урди. Аниқроғи, ўтган йилнинг 26 июль кунини хотини Ш.Бойқўзиёва билан жанжаллашиб қолади. У.Ҳайитов ғазабини бошомлай хотинига қўл кўтаради ва қасддан оғир тан жароҳати етказди. Оқибатда Ш.Бойқўзиёва шифохонага ётқизилди.

Ўз навбатида, шифокорлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага хабар беришади. Айни ҳолат юзасидан ўтказилган суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, Ш.Бойқўзиёва ўртача оғир тан жароҳати олгани аниқланади. Шундан сўнг зўравон эрга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди У.Ҳайитовни Жиноят кодексининг 126-моддаси 4-қисми билан айбдор деб топиб, 2 йил муддатга озоликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.



Маълумки, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 58-моддасида “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар. Давлат хотин-қизлар ва эркекларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди” дея қайд этилган. 76-моддасида эса, оила жамиятнинг асосий бўлини бўлиб, у жамият ва давлат муҳофазасида экани, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши таъкидланган.

Шунингдек, оиланинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, ушбу муқаддас гўшани турли хил иллатлардан муҳофаза қилиш мақсадида 2023 йил 11 апрелда “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун асосида Жиноят кодекси “Оилавий (маиший) зўравонлик” дея номланган 126-модда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс эса, худди шу

номдаги 592-модда билан тўлдирилди. Албатта, ушбу қонун ҳужжатларининг амалга жорий этишдан кўзланган мақсад — оила муҳофазасини кучайтириш, эр ва хотин зиммасидаги масъулиятни янада оширишдан иборат. Аммо кейинги пайтларда оилавий зўравонликлар сингари қилмишлар содир этилаётгани, бундан асосан аёл ва болалар азият чекаётгани афсусланарлидир. Мисол учун айтадиган бўлсак, Қўқон шаҳрида яшовчи Умирбек Ҳайитов (исм-шарифлар ўзгартирилган) оилавий зўравонлик қилгани сабабли бешинчи маротаба суднинг қора курсисига ўтирди.

Жамиятимиз мақсади

"ЎЗБЕКИСТОН 2030" СТРАТЕГИЯСИ ВА ОДИЛ СУДЛОВ ИСТИҚБОЛЛАРИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Эътиборли жиҳати шундаки, инсон қадрини улуғлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, одил судлов сифатини тубдан ошириш, суд ҳокимияти мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш, судьялар ҳамжамиятини шакллантириш, судьяларни танлаш, лавозимга тайинлаш, ўқитиш ва уларнинг маънавиятини ошириш тизимини такомиллаштириш, суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш, судларда коррупцияга қарши курашиш каби муҳим масалалар Стратегиянинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Ушбу ҳужжатларда суд ҳуқуқи тизимини ислоҳ қилиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таъжовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатларини ўз вақтида ҳал этиш, муносабатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жавобгарликни кучайтириш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга оид тадбирлар назарда тутилди.

Янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитлар мамлакатимиз тараққиётининг

асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқишни таъминлаш. Шу муносабат билан халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўйбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги Фармони билан "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тасдиқланди.

Айтиш керакки, халқ ҳизматидаги адолатли ва замонвий давлатни барпо этиш "Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг асосий ғоялардан бири этиб белгиланган муҳим аҳамиятга эга. Айниқса кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида қабул қилинган Президентимизнинг "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармонда жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини инобатга олган, юртимиз ҳаётида амалга ошириладиган муҳим ислохотлар ва асосий тадбирлар назарда тутилди.

Давлат дастури 5 та йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат. Унда Конституция ва қонунларнинг устувор-

лигини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиқликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш борасидаги қатор устувор вазифалар ҳам қамраб олинган.

Жумладан, фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида суд ҳаражатлари тўловларини амалга ошириш тизимини рақамлаштиришни янада кенгайтириш орқали суд ҳаражати тўловларини суд биноларида онлайн тарзда амалга ошириш имкониятини яратиш белгиланди. Бу судга муносабат қилувчилар учун ортиқча оворгарчиликларнинг олдини олиш, суд ҳаражатлари тўловини суд биносининг ўзида қулай усулда амалга ошириш имконини беради.

Шунингдек, маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ёки тадбиркорларнинг

ҳуқуқлари ҳимоя этилишини кафолатлаш мақсадида маъмурий суд ишларини юретишда процессуал мажбурият чоралари доирасини белгилаш кўзда тутилди.

Суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахслар, хусусан, жавобгар мансабдор шахсларнинг шахсан иштирок этишини таъминлаш, шубҳасиз, ишни мазмунан кўриш учун аҳолига эга бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқлаш, маъмурий суд ишларини принципалари ижросини мустақамлашга имконият яратиш.



Тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки амалиётда суд мажлисида жавобгар мансабдор шахсларнинг иштирок этмагани иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни аниқлаштириш, далилларга тўлиқ баҳо бериш имкониятини чеклаб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан ушбу масалани маъмурий суд ишларини юретиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси доирасида такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Давлат дастурида назарда тутилган муҳим тадбирлардан яна бири бу ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик муҳокамасининг натижалари ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида айрим тоифадаги иқтисодий ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказишдир.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим тоифадаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иқтисодий, масалан, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш тадбиркорлик субъектларининг ортиқча вақт ва ҳаражат сарфлаши олдини олиб, ушбу тоифадаги ишларни ҳал этишнинг халқаро тажрибада ўзини оқлаган механизмларини жорий этишга хизмат қилади. Қолаверса, мавжуд барча ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини янада мустақамлашга имконият яратиш.

Тизимда амалга оширилган изчил тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга муносабат қилишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини бериб, судлар мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Янада муҳими, айни тадбирларнинг амалга оширилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга муносабат қилиш учун қулайлик яратиш, одил судловга эришиш даражасини янада ошириш, мамлакатимизнинг халқаро рейтингларда ўрни юксалишида муҳим аҳамият касб этади.



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аниқроғи, ўтган йилнинг июль ойида улар фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига муносабат қилиб, ҳоким томонидан 2018 йил 24 апрелда чиқарилган 1014 к-сонли қарорни бекор қилишни сўрашди. Яъни ушбу қарор асосида Алишер Отажоновга шахарнинг М.Хоразмий номидаги кўчада савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилиши учун 600 квадрат метр ер майдонини доимий фойдаланиш мақсадида ажратиб берилгани фактини ҳақиқий эмас, деб топиш талабини илгари суришди.

Шунингдек, даъво аризада асосиз равишда эгаллаб олинган ушбу майдоннинг 120 квадрат метри бошқаларга сотиб юборилганини ноқонуний ҳолат сифатида эътироф этиш ҳақидаги талаб ҳам бор эди. Биринчи босқич суди ушбу даъво талабларини қаноатлантиришдан норози бўлган тадбиркор А.Отажонов апелляция инстанциясига муносабат қилди.

Апелляция инстанцияси суди муҳокамасида маълум бўлишича, шахар ҳокимияти тегишли қарорига асосан ерга эгаллик ҳуқуқини кўлга киритган А.Отажонов қурилиш ишларини Урганч шахар архитектура ва қурилиш бўлимининг махсус лойиҳа-смета ҳужжатида белгилаб берилган майдонда эмас, балки айнан ҳокимлик қароридан кўрсатилган ҳудудда амалга оширган.

Лойиҳа-смета ҳужжатларида тадбиркор А.Отажоновга қурилиш ишларини амалга ошириш учун "... шимол томондан мавжуд яқка тартибдаги турар жой бинолари, жануб ва шарқ томондан лойиҳадаги ички йўл, гарб тарафдан М.Хоразмий номидаги кўча билан чегараланган ҳудуд" тақлиф қилинган. Бироқ тадбиркор бу талабга риоя этмаган.

Бундан ташқари А.Отажонов 2020 йилнинг 9 июль кунини ўзига қарашли 600 квадрат метрга тенг ҳудуднинг 120 квадрат метридаги қурилиш иш тугалланмаган иморатни нотариал тартибда Озод Машариповга сотган. У эса, орадан кўп ўтмай харид қилинган ер майдони ва ундаги бинони Отажоновга сотиб юборган.

Бу орада Урганч шахар прокуратураси Урганч шахар қурилиш ва архитектура бўлими, Давлат кадастр агентлиги Урганч шахар бўлими, Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "а" банди ва 209-моддаси 1-қисмига асосан жиноят иши кўзгатган.

Суд жараёнида шахар ҳокимиятининг қарорига асосан А.Отажоновга қарашли деб кўрсатилган 600,0 квадрат метрли ер майдони чегараларини "Ергеокадастр" агентлигининг "Samarqand aergeodezia" унитар корхонаси белгилаб бергани маълум бўлди. Бундан ташқари ушбу ер майдонда қурилиш ишларини амалга ошириш ва уни лойиҳалаштириш юзасидан шахар архитектура ва қурилиш бўлимининг топшириғи асосида "Монолит лойиҳа эксперт" масъулияти чекланган жамияти лойиҳа ҳужжатларини тайёрлагани ва бу шахар қурилиш инспекцияси томонидан тегишли тартибда маъқуллангани, шу асосда 801-сонли оммавий оферта шартномаси расмийлаштирилгани ҳам аниқланди.

Ер кодексининг 31-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойнинг ўзида чегаралар белгилангани, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, унга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Тадбиркор А.Отажонов бу борада юзага келган ҳуқуқ ҳамда баён этилган ҳужжатларга таянган. У 2020 йилнинг 2 июлда қурилиш тугалланмаган бинони давлат рўйхатидан ўтказиб, ер майдонини сотиш ёки тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлгани сабабли 600 квадрат метр ернинг бир қисмини фуқаро О.Машариповга сотган. Бундай ҳуқуқдан О.Машарипов ҳам фойдаланган. Ўз навбатида, ундан 120 квадрат метр сахли қурилиш майдони ва ундаги бинони сотиб олган О.Қурбонов уни ўзи таъсисчи бўлган "Қаландар Қурбон" хусусий корхонаси ва "Қишлоққурилишбанк" филиали ўртасида тузилган 483-сонли кредит шартномага мувофиқ гаровга қўйган.

Шу орада низога "Ўзбекистон миллий элекстр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг "Хоразм магистрал элекстр тармоқлари" корхонаси ҳам аралашди. Аниқроғи, корхона 2021 йилнинг сентябрь ойида 600 квадрат метр сахли ер майдони юқори кучли илмий элекстр симлари тортилган ҳудудда жойлашганини назарда тутиб, ана шу ер майдонини А.Отажоновга ажратиб бериш тўғрисидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш, О.Қурбоновга тегишли қурилмани унинг ҳисобидан бузиб ташлаш ва ер майдонини асл ҳолига келтириш ҳақида Урганч туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритади. Бироқ суд элекстр тармоқлари корхонаси талабини қаноатлантириш учун асослар мавжуд эмас, деган ҳулосага келади.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 65-моддасида хусусий мулк дахлсиз экани кафолатланган. Апелляция инстанцияси судлов ҳаёти иш билан боғлиқ ҳолатларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, ана шу конституциявий қоидага таянган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2023 йил 17 июлдаги ҳал қилув қарорини бекор қилди. Чунки тадбиркорлар А.Отажонов, О.Машарипов ва О.Қурбонов қонуний тартибда ер-мулкка бўлган ҳуқуқни кўлга киритишган. Қолаверса, архитектура, кадастр ва қурилиш ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан Урганч шахар прокуратураси томонидан кўзғатилган жиноят иши низоли олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда 2 нафар фуқарога тегишли бўлган биноларни бузиш учун асос бўла олмайди. Устига-устак, Урганч шахар ҳокимиятининг низога сабаб бўлган 1014к-сонли қарори ҳамон ўз кучида ва у тегишли тартибда ҳақиқий эмас деб топилмаган. Шунингдек, О.Қурбонов ва О.Машариповнинг низоли ер майдони ва ундаги бино-иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқи тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган. Ана шу ҳуқуқ айни пайтда ҳам ўз кучида турибди. Шу боис Урганч шахар ҳокимиятининг даъвоси рад этилиб, ҳақиқат қарор топди ва тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинди.

Жамоладдин ҚҲҲҲҲҲ, Хоразм вилояти суди судьяси

ДАРГОҲ

унинг дахлсизлиги қонун ҳимоясида

Шунингдек, судланувчи муқаддам 4 марта қонуний жазога тортилгани, аммо ҳал-ҳануз тузалиш йўлига кирмаганини инобатга олинган ҳолда жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгиланди. Шунингдек, жабрланувчи Ш.Бойқўзиевага ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарини ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга муносабат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, 2023 йил 14 сентябрь кунини Лола Жарқинова эри Рамзиддин Жарқинов билан ўзаро гап

талашиб қолади. Охир-оқибат оғзаки тортишув жиддий жанжалга айланади. Жанжал вақтида дастлаб Л.Жарқинова ҳовлида ётган полиетилен қувур бўлаги билан эрининг бошига уради. Натижада Р.Жарқинов хушини йўқотиб, ерга йиқилади. Шунга қарамай, хотини уни яна уришда давом этади. Бу ҳам етмагандек, эрининг ўнг кўлига тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган кимёвий моддани сепиб юборади. Бунинг оқибатида Р.Жарқиновнинг қўл териси қуяди. Бундан хабар топган жиянлари Р.Жарқиновни суд-



лик билан шифохонага олиб боришади.

Таъкидлаш лозимки, судга оид тиббий экспертизанинг ҳулосасида қайд этилишича, калтакланиши натижасида жабрланувчи ўртача оғир тан жароҳати олган. Бинобарин, Л.Жарқиновага нисбатан ҳам жиноят иши кўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шахар суди уни Жиноят кодексининг 126-моддаси 4-қисми билан айбдор деб топиб, 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Қолаверса, суд ҳукмида Л.Жарқиновадан Р.Жарқинов фойдасига 6 миллион 515

минг сўм моддий зарар ундириш ҳам белгиланади.

Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Олий суд маълумотида кўра, 2023 йилда Жиноят кодексининг 126-моддасига асосан 203 нафар шахс судланган. Уларнинг 59 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 144 нафарига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 59-моддасига мувофиқ 8928 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ҳуқуқбузарларнинг 5229 нафарига жарима жазоси, 3699 нафарига эса, маъмурий қамоқ жазоси қўлланилган.

Маълумки, оиланинг мустақамлиги аввало эр ва хотиннинг аҳил-иноқлиги, зиммаларидаги масъулият ва мажбуриятни нечоғлик чуқур англашига боғлиқ. Албатта, фарзандлар камоли, ўзларининг тинчлик-хотиржамлигини ўйлаган ҳар бир эр ва хотин аввало оилга эътибор билан муносабатда бўлади, ўткинчи низо ва гина-қудратларни ақл билан енгиб ўтишга интилади. Оилани асраб-авайлаш, оила аъзоларининг бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиши замирида жамиятининг тинчлик-товушлиги, фарзандлар камоли, бир сўз билан айтганда, инсоннинг ўзлиги мужассам эканини унутмайлик.

Пўлатжон МАМАТУСМОНОВ, жиноят ишлари бўйича Қўқон шахар суди судьяси

«Бошланиши 1-бетда»

Унинг отаси ўз даврининг йирик олими бўлган. Манбаларда айтилишича, Шарафиддин Али ҳам ёшлигида чуқур билим олган. Кейинчалик у теурий шахзода Мирзо Иброҳим Султоннинг саройида хизмат қилади. 1447 йили Шарафиддин Али Тафт шахрига қайтиб келади ва 1454 йили вафот этади.

Айтиш керакки, Шарафиддин Али Яздий тарихнависликдан ташқари адабиёт ва тил услуги, шеърят назарияси, астрономия, фалсафа, тасаввуфга бағишланган асарлар ҳам яратган. Шарафиддин Али Яздийнинг энг машур асари, шубҳасиз, «Зарафнома»дир. Асар тузилиши жиҳатидан Соҳибқирон Амир Темурдан олдинги давр тарихидан умумий тарзда сўзловчи «Муқаддима» ва бевосита Соҳибқирон бобомиз даври тарихини ёритувчи асосий қисмга бўлинган. Ҳар бир қисм учун алоҳида-алоҳида ёзилган, кўп жиҳатдан муштаракликка эга бўлган сўзбошиларда муаллиф ушбу қисмларнинг ёзилиш тарихини баён этган. Муаллифнинг таъкидлашича, шахзода Иброҳим Султон бобоси Амир Темур ҳақида махсус китоб ёзилишини ният қилган. 1419-20 йилларда Соҳибқирон Амир Темур ҳақида туркий, форсий тилларда ёзиб қолдирилган маълумотларни тўплаш ҳақида фармон чиқарган. Бу иш амалга ошгандан сўнг тўпланган маълумотлар ўрганишга киришилган. Амир Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён қилинган ҳикояларнинг ҳамма шеърӣ ва насрий нусхалари тўпланиб бўлингач, маълумотлар билан танишиш учун урта гуруҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар бир гуруҳни ташкил этган. Дастлаб Амир Темур ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқилган, агар унинг

Тарих тилсимлари

Нодир тарихий манба

ёхуд «Зафарнома» асарининг илмий аҳамияти

мазмуни воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолса, Иброҳим Султон ҳақиқатни тиклаш учун турли шахарларга чопарлар юбориб, ушбу воқеани Амир Темурнинг яна бошқа замондошларидан сўраб-суриштирган ёки қўшимча маълумотлар тўпланган. Ана шу қўшимча гувоҳлар ҳикоятларини ҳам тинглагач, Иброҳим Султон айтиб турган ва котиблар ёзиб борган. Шу тарзда асарнинг дастлабки хомаси нусхаси тузиб чиқилган. Сўнгра ана шу хомаси нусха асосида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарини ёзган. Иброҳим Султоннинг қатъий буйруғига асосан китобни ёзиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ўлчовлари ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилиши лозим бўлган. Шарафиддин Али Яздийдан асарни жонли тил билан тушунарли қилиб ёзиш талаб этилган, ҳужжатларга қатъий риоя қилиши, Иброҳим Султоннинг бевосита шахсий назорати остида тузилган дастлабки хомаси ёзудан асло четга чиқмаслиги ҳамда ҳеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги шарт қилиб қўйилган.

Муаллифнинг дастлабки режасига кўра, «Зафарнома» асарининг асосий қисми учта бўлимдан иборат бўлиши лозим эди. Биринчи бўлим Амир Темур, иккинчиси унинг ўғли Шохрух Мирзо ва учинчиси унинг ўғли Иброҳим Султонга бағишланиши кўзда



тутилган. Бинобарин, «Зафарнома» асари фақат Амир Темурнинггина эмас, балки теурий шахзодалар Шохрух Мирзо (1405-1447) ва Иброҳим Султон Мирзо (1414-1435) ҳукмронлик даври тарихини ҳам ёритиши керак бўлган. Бироқ «Зафарнома»нинг ҳозирча фанда маълум бўлган қўлёзма нусхаларида кейинги икки бўлим мавжуд эмас. Улар ёзилмаган ёки бизгача етиб келмаган бўлиши мумкин. Шунга қарамай Шарқ тарихнавислигининг энг нодир ёдгорликларидан бири ва Амир Темур даври тарихининг бирламчи манбаларидан бўлган «Зафарнома» маълумотларнинг тўлиқлиги ҳамда ишончлилиги билан бошқа қўлёзмалардан ажралиб туради. XV ва XVI асрларда «Зафарнома» қахрамонлик қиссаси жанрида шеърӣ йўл билан ўзбек тилида Лутфий томонидан баён қилинган. XVI аср бошларида Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий «Зафарнома»ни ўзбек тилига таржима қилган. XVIII асрдан бошлаб «Зафарнома»-

нинг айрим қисмлари француз, инглиз ва рус тилига ҳам ўгирилган. Асарнинг форсча матни 1887-88 йилларда Калькутта, 1958 йили Техронда чоп этилган. 1972 йили Тошкентда асарнинг факсимил наشري амалга оширилди. Бунда тарихий манбалар илмий нашр учун зарурий бўлган сўзбоши ва турли кўрсаткичлар билан бирга асар матнининг ҳар хил нусхалари ва нашрлари орасидаги фарқлар ҳам қайд этилган. Ҳозирги пайтда Тошкент Давлат Шарқшунослик университетига «Зафарнома»ни илмий изоҳли таржимаси нашрга тайёрланмоқда. Шарқ мамлакатлари ва Соҳибқирон Амир Темур даври тарихига оид ишончли манба бўлган ушбу асарни илмий асосда тадқиқ этиш халқимиз тарихи, маданияти ҳамда давлат бошқаруви борасидаги қимматли маълумотларни янада кенгайтириши шубҳасиз.

Рустам ЖАББОРОВ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Жиноят ва жазо

Маълумки, бугунги кунда судларда қўрилайётган ишларнинг каттагина қисмини фирибгарлик, яъни ўзганинг мулкни алдаб ёки ишончли суистеъмол қилиб эгаллаб олиш, сўнг қўлга қиритган пулни ёки мулкни қайтариб бермасликда ифодаланган жиноий қилмишлар ташкил этади. Албатта, бунинг бир қатор сабаблари бор. Яъни қонун моҳиятини чуқур англамаслик, нафс қутқусига учши, енгил йўл билан мўмай даромад орттириш каби иллатлар домига тушган айрим кимсалар шундай жиноий қилмишга қўл уради.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Қува тумани судида фирибгарликка оид жиноят иши батафсил кўриб чиқилди. Шу ўринда жиноий қилмиш тафсилотларига тўхталсак, Марғилон шахрида яшовчи Дурдона Сафарова (исм-шарифлар ўзгартирилган) «Нор-Shop» реклама канали орқали техника жиҳозини буюртма қилади. Орадан бир неча кун ўтгач, бир киши нотаниш рақамдан Д.Сафаровага кўнғироқ қилиб, ўзини «Нор-Shop» каналида ишловчи Камол Шухратов эканини айтиб, буюртма бўйича баъзи масалаларни аниқлаштириб олиш зарурлигини билдиради. Ўзаро суҳбат давомида К.Шухратов Д.Сафарованинг ўқишни тамомлаб ишлаётгани, ҳали турмушга чиқмагани, оиласи ва бошқа маълумотларни батафсил сўраб олади. Шундан сўнг К.Шухратов Марғилон шахрига боради.

Уйланиш учун уйини таъмирлаш зарурлигини айтиб, қарзга пул сўрайди. Д.Сафарова анча вақтдан буён йиғиб юрган маблағини унинг қўлига топширади. Орадан кўп ўтмай у тайёр ишини ташлаб, Марғилонга келганини рўкач қилиб, келгусида «Тошкент-Марғилон» йўналишида таксичилик билан шуғулланиш ниятида эканини айтади ва автомашина сотиб олишга ёрдам сўрайди. Бу гал ҳам Д.Сафарова сира иккиланмай ота-онасидан қарзга пул олиб беради. К.Шухратов Д.Сафарованинг барча талабларини эътироз билдирмай бажарилаётганини кўргач, ундан кредит дуконлари ва тижорат банкларидан қарзга пул ҳамда турли хил товарлар олиб беришни «илтимос қилди». Унга қаттиқ боғланиб қолган қиз бу истакни ҳам бажо келтиради. Энг ёмони, у К.Шухратовнинг «Тўйгача никоҳ ўқитиб, бирга яшайлик», деган қабих таклифига ҳам розилик билдиради. Шундан сўнг К.Шухратов қизнинг уйда яшай бошлайди. Албатта, ҳар қандай қабихлик ва олчокликнинг ҳам ниҳояси бўлганидек, «куёв»нинг хурмача қилқиларидан Д.Сафарованинг ота-онаси ва ака-укалари кеч бўлса-да хушёр тортишади ва ундан тезроқ тўй қилишни талаб этишади. К.Шухратов яна ҳийла



йўлига ўтади ва Фарғона шахридаги «Висол» тўйхонасида дабдабали тўй қилиши, казо-казолар меҳмонга келишини таъкидлаб, тўй кунини белгилайди. У тўйхона манзили кўрсатилган сохта таклифномаларни Д.Сафарованинг қариндош-уруғу танишларига тарқатгач, улардан тўйни ўтказиш учун қарз сўрайди. Унинг алдовларига ишонган қариндошлар катта миқдорда тўёна пули беришади. Уни қўлга қиритган К.Шухратов номаълум жойга қочиб яширинади. Айтилган кун тўйхонага келган келин ва унинг қариндошлари К.Шухратовнинг ўзларини боблаб чув туширишганига гувоҳ бўлишади... Ниҳоят, Д.Сафарова К.Шухратовнинг усталик билан

кўйган тузоққа тушганини англаб етади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилади. Шундан сўнг К.Шухратовга нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилади. Тергов мобайнида К.Шухратовнинг оилали, икки нафар фарзандли экани маълум бўлади. Судда К.Шухратов ўзи етказган зарарни қоплаш ўрнига Д.Сафаровани яна алдаш пайида бўлди. Аниқроғи, у оиласидан ажрашиб, унга уйланишга ваъда бериб, зарар қоплангани ҳақида ариза ёзиб, қамоқ жазосидан қутқариб қолишни илтимос қилди. Аммо «кўр ҳассасини бир марта йўқотади» деганларидек, бу сафар Д.Сафарова фи-

рибгарнинг ёлғонига учмади. Суд К.Шухратовга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш зарур. Гап шундаки, фирибгар К.Шухратов етказган моддий зарар ўрничи тўлдириш мумкин, аммо Д.Сафарованинг поймол этилган умиду ишончи, кўнглида пайдо бўлган аламу ранжи баҳолаб бўлармикан? Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳаётга очик кўз билан қараб, ҳаммаша огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш бундай иллатлардан ҳимояланишнинг энг ишончли йўлидир. Зафаржон ОМОНОВ, жиноят ишлари бўйича Қува тумани суди раиси

Қизиқарли фактлар

Инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлардан бири ёзувнинг яратилиши ҳисобланади. Чунки муайян халқнинг тафаккур қудрати билан яратилган маънавий хазина айнан ёзув туфайли кейинги авлодларга мерос бўлиб қолган. Бу эса, ўз навбатида, китобнинг пайдо бўлишига олиб келган. XV асрда Германияда Иоганн Гутенберг томонидан китоб босиш ускунасининг ихтиро қилиниши китобни оммавий тарзда, яъни кўп нусхада чоп этиш борасида янги даврни бошлаб берди. Куйида китоб нашри билан боғлиқ ғаройиб маълумотларни тақдим этамиз.

ҒАРОЙИБ ҲАЖМЛИ КИТОБЛАР

Айтиш керакки, китоблар фақат билим манбаигина бўлиб қолмай, балки уларнинг ўзи ҳам қизиқарли янгиликлар мавзуси ҳисобланади. Масалан, дунёдаги энг катта китоб «Денгиз қордалари тўплами» бўлиб, ушбу асар айни пайтда Амстердам шахрида сақланмоқда. Бу китобнинг баландлиги икки, кенглиги бир, қалинлиги бир ярим метрга тенг. Гиннеснинг «Рекордлар китоби» томонидан тарихдаги энг узун роман сифатида баҳоланган машҳур ёзувчи Марсел Прустининг «Ўтган нарсаларни эслаш» асари тахминан 9 609 000 та белгидан иборат. Китоб 1,267,069 та сўз ва 3,031 та саҳифани ўз ичига олган. У 1913-1927 йиллар оралиғида нашр этилган.




Дунёдаги энг кичик ҳажмдаги китоб рус ёзувчиси А.П.Чеховнинг «Хамелион» асари ҳисобланади. 2002 йилда Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилган мазкур асарнинг ўлчами бўйи ва энига атиги 0,9 миллиметрни ташкил этади, холос. Жаҳондаги энг қимматбаҳо китоб

буюк италиялик расом ва ихтирочи Леонардо да Винчининг «Лестер кодекс» бўлиб, унда олимнинг фиррлари битилган. Айни пайтда дунёдаги энг бадавлат инсон ҳисобланган Билл Гейтс кутубхонасида сақланувчи бу асарнинг нархи 54,4 миллион доллар миқдоридан баҳоланмоқда. Аслида бу китоб Леонардо да Винчининг илмий кундалиги бўлиб, у чизган расмлар, назариялар ва кузатишларини ўз ичига олади.



Дунё миқёсида энг оммабоб ёзувчи Агата Кристи бўлиб, унинг 78 та асари дунёнинг 44 та тилига таржима қилинган. Сотилган китоблар сони 2 миллиард дондан ошиб кетган. Дунёдаги энг катта ҳажмли нашр Буюк Британия парламенти ҳужжатлари бўлиб, у 112 томдан иборат. Нашр ҳажми 330 килограммга тенг. Уни мутолаа қилиш учун олти йил вақт талаб этилади.

Дунёдаги энг катта луғат ака-ука Гриммлар тахрири остида яратилган немис тили луғати ҳисобланади. Қизиқ томони шундаки, бу луғатни ёзиш муаллифлар томонидан XIX асрда бошланган. Аммо уларнинг луғатни тугатишга умрлари етмаган. Шу боис XX асрда бошқа муаллифлар луғатни ниҳоясига етказишган. Бу луғат 35 томдан иборат бўлиб, унинг варақлар сони 3519 тани ташкил этади.



Болгариянинг Габрово шахрида темирдан ишланган антиқа китоб сақланади. Унинг эни 18, бўйи 22 сантиметр бўлиб, оғирлиги 4 килограммга тенг. Китобни қица истиқомат қилувчи Ангел Боров ишлаган бўлиб, 22 саҳифадан иборат металл нақшда Габровонинг энг машҳур ҳазил ва мақоллари жой олган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, китоб бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамларни ўзига жалб этадиган ажойиб билим манбаидир. Ер юзиде 130 миллионга номдан ортиқ китоб мавжуд. Бу кўрсаткич кун сайин ортиб бормоқда. Китоб нашр этиш саноати йилига ўртача 25 миллиард доллар даромад келтиради. АҚШда бир йилда 800 миллиондан ортиқ китоб чоп этилади.



Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ


Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ Холмўмин ЁДГОРОВ Робахон МАХМУДОВА Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ Халилилло ТУРАХУЖАЕВ Замира ЭСОНОВА Икрам МУСЛИМОВ Азиз АБИДОВ Шухрат ПОЛВАНОВ Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-йў. Манзилми: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru



Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575. Буюртма: Г-15 Қогоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6593 1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 1⁰⁰.